
Олтиариқ тумани

Олтиариқ туманининг қўшни Қирғизистон республикаси билан чегара худудларида аҳоли хавсизлигини таъминлаш, чегара қонунчилигини тарғиб этиш, қонунбузарликлар ва жиноятчиликни олдини олиш, ноқонуний ашёлар ҳамда гиёҳванд моддаларга қарши "Чегара тозалаш" тадбирлари ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, ДХХ, ИИБ, Миллий гвардия, ёшлар агентлиги, ҳоким ёрдамчилари, кадастр агентлиги ва даҳлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда Зилол, Шалола, Катпут, Толқўча МФЙлар худуди ҳамда турар ва нотурар объектлар кўздан кечирилди.

Хонадонбай юриш давомида фуқароларнинг турмуш тарзи, ижтимоий муаммоларига ҳам эътибор қаратилди. МФЙ раислари ва фаоллар иштирокида аҳоли ўртасида тарғибот ишлари амалга оширилди.

2022-08-25 17:29:29